

***Маматкулова Дилафруз Махмарасуловна***

*ГулДу академик лицейи тарих фани ўқитувчиси*

***Аннотация:*** Мазкур мақола 7-синф Жахон тарихи дарслигида номи тилга олинган қомусий олим Абу Хасанали ибн Нафи Зирьяб хақида бўлиб унда олимнинг ихтиролари хақида баён этилади. Унинг musiқа, рақс, қўшиқ умуман санъатнинг барча соҳасига қўшган хиссаси, мода, гигиена, косметалогия, диетология йўналишидаги ютуқлари келтирилиб ўтилган. Зирьяб шарқ ва ғарб маданиятини уйғунлаштириб тарихда ўз сўзини айта олгани ва ўз номини қолдиргани тахсинга сазоввордир.

***Калит сўзлар:*** Қомусий олим Абу Хасанали ибн Нафи Зирьяб, бастакор, қўшиқчи, шоир, Лауд musiқа асбоби, плектр, фламенко, дезодарант, тиш пастаси, мода соч турмаги, ихтирочи.

***Ключевые слова:*** Ученый, Абу Хасанали ибн Нафи Зирьяб, композитор, поэт, музыкальный инструмент лауд (лютня), плектр, фламенко, дезодарант, зубная паста, мода, причёска, стрижки, изобретатель.

XXI асрда яшаб, табиат неъматларидан фойдаланиб, техника асрининг ютуқларидан завқланиб яшаётган бир даврда, биздан бир неча асрлар олдин яшаган инсонлар хаёти хақида бироз бўлсада ўйламаган инсон бўлмаса керак. Биргина янги телефонларнинг янгидан-янги турларини сотиб олиш учун зўр бериб пул сарфлаётганимизда, қачонлардир инсонлар учун биргина совун, тиш пастаси, ёки шампунларнинг яралиши қанчалар катта ютуқ бўлган. Инсоният ўз эҳтиёжи учун керакли барча истемол маҳсулотларини ўзи учун кашф эта олди. Хом гўштни пишириб ейиш маззалироқ эканлигини англади, хайвон терисини танага ёпса совуқдан сақланиш мумкинлигини тушуниб етди.

Ўсимликларни захарлиси ва дориворини ажратиб олди. Хаёт учун курашди. Бу оламда кашфиётлар, янгиликлар яратилиши билан бир қаторда буларни яратган инсонлар ҳам борлиги алоҳида мавзудир. Ана шундай хаёти давомида инсоният маданиятига инқилобий ўзгартиришлар киритишдан тап тортмаган инсонлардан бири IX асрда яшаб фаолият юритган Шарқнинг машхур қомусий олими Абу Хасанали ибн Нафи Зирьябдир.

Абу Хасанали ибн Нафи Зирьяб машхур бастакор, кўшиқчи, шоир бўлиб, бир вақтнинг ўзида араб, форс, африка тили ва курд тилларида ижод қилган. Бундан ташқари Зирьяб кимё, ботаника, астраномия, география, космология соҳасидан хабардор бўлган. Зирьяб унга берилган таҳаллус бўлиб, араб тилида қорақуш, форс тилида олтин изловчи деган маъноларни билдириб, испан тилида *Raјago Negro* яъни қора қораялоқ қуш деган ном билан машхурдир. Зирьяб тахминан 789 йилда Боғдодда дунёга келган. Унинг айнан қайси миллатга мансублиги кўп бахсларга сабаб бўлиб, унинг шахси ҳақида маълумотлар кўпи бир-бирига мос тушмасада, аммо унинг қора танли бўлганлигини ҳеч ким инкор этмайди. У ҳақида ёзилган илк манбаларда унинг томирида африкалик ва араблар қони борлиги айтиб ўтилган. Зирьяб, ўша даврда бутун мусулмон оламининг муסיқий маркази хисобланмиш Боғдодда даслабки муסיқа санъати сирларидан сабоқ олади. Унга ўз даврининг ўта билимли, қобилиятли муסיқачиси Исҳоқ ал Мивсам(767-850) устозлик ва кейинги фаолияти давомида раҳномолик қилади. Ибн Абд ар-Роббихи Абу Умар Ахмад ибн Мухаммад —Иқд ал-Фаридл асарида (Иккинчи ёқут ҳақида китоб) унинг устозини исмини Иброхим Мивсам(Маусили) деб ёзади. Бироқ Зирьяб халифа Хорун ар Рашид (786-809) эътиборига тушгач, устоз ва шогирд ўртасида кучли рақобат пайдо бўлади. Сиёсий давраларда катта обрўга эга бўлган Исҳоқ ал Мивсам уни шаҳардан чиқиб кетишга мажбур этади. Зирьяб халифа Абдуллох ал Маъмун (813-833) тахтга келган йили яъни 813 йилда Боғдодни тарк этиб, аввал Сурияга кейинчалик Тунисга Зиёвуддин I (816-837) саройида яшайди. Аммо бу сафар ҳам саройдаги мураккаб вазият

Зиёвуддин I ва Зирьяб ўртасида муносабатнинг кескинлашишига сабаб бўлади. Зирьябнинг сатирик кўшиғини ҳақорат деб қабул қилган Зиёвуддин I Зирьябни саройдай хайдайди. Шундай вазиятда Андалусиядаги Кордова ( Қурдоба) амирлигидан яхши хабар келади. Араб халифалигининг Уммавийлар сулоласи вакили Амир Ал Хакам I (796-822) уни саройга ўз хизматига таклиф қилади. Андалусия ҳозирги Испания ҳудудида жойлашаган ва Араб халифалигидан ажралиб чиққан биринчи амирлик эди. 756 йилда ташкил топган бу давлат кейинчалик Кордова амирлиги номини олган эди. Зирьяб 822 йилда Андалусияга етиб келганида Ал Хакам I оламдан ўтган эди. Унинг ўғли Абдурахмон II (822-852) отасининг таклифини ўз кучида қолдиради ва Зирьяб ҳаётида янги саҳифа очилади. Бутун Европанинг маданий, муסיкий маданиятига ижобий таъсир этган янгиликларни ҳаётга тадбиқ этади. Таом тайёрлаш, муסיқа, кўшиқчилик, мода соҳасида кўп янгиликларга асос солади ва бунинг эвазига жуда ҳам яхши ҳақ олади. Амирнинг дўсти, маслахатчисига айланади. Тез орада Кордова саройида кўпчилик давлат арбоблари қаторида мустаҳкам ўринга ҳамда обрўга эга бўлади. У ўзига хос муסיқа мактабига асос солади. Европа ва араб дунёсининг муסיкий маданиятини уйғунлаштирган ҳолда ноанъанавий санъат асарларини яратади. Европада илк консерваторияга асос солади. У таълимда ғайриодатий усуллардан фойдаланар, масалан талабаларнинг қорнини махсус камар билан боғлаб, кўшиқ айтганда нафас олиш жараёнини назорат қилар, икки жағ орасига ёғоч бўлагини солган ҳолда кўшиқ айтишни машқ қилдирар эди. Зирьябни ўн минглаб кўшиқни ёт олгани унинг кучли хотирасидан далолат беради. Тарихчи Ибн Хайян унинг ўтқир зеҳни, фавқуллода кучли хотирага эканлигини алоҳида такидлаб ўтган. Унинг шогирдлари ислом дунёсида маълуму машхурликни унинг ўлиmidан кейин ҳам анча вақт бошқа мактаб вакилларига бермайди. Тарихчи Ибн Хайяннинг маълумотларига кўра Зирьябнинг саккиз нафар ўғли ва икки нафар қизи бўлган. Уларнинг барчаси отасининг мактабидан тахсил олиб, ўз замонасининг машхур муסיқачилари бўлган. Улар ўз маҳоратини кейинги авлодларга етказиб беришда жонбозлик кўрсатишган.

Тарихчилар Зирьябнинг қобилиятига баҳо беришар экан — Унга қадар ва ундан кейин бу касб вакилларида хеч ким бу қадар эътибор ва ҳурматга сазоввор бўлмаган! дея эътироф этишади. Зирьяб — Лауд! деб аталмиш мусиқа асбобига янгича тус беради. Лауд бу уд чолғу асбобининг испан маданияти таъсирида бироз ўзгарган тури эди. Зирьяб тўрт жуфт торли Лаудга бешинчи жуфт торни қўшиб, бу торни қолган тўрт жуфт торнинг қалби деб атади. Тор учун ипак ва хатто шер боласининг ичагидан фойдаланган. Торни чертиш учун махсус мослама ( медиатор, плектр) ни доимгидек ёғоч бўлагидан эмас, балки бургут тумшуғидан ва бургут патидан тайёрлайди. Хозирда биз билган гитаранинг пайдо бўлишига айнан шу тажрибалар хизмат қилган дея баҳоланади. Шарқий ҳамда насроний Европанинг мусиқасини уйғунлаштириб испан миллатининг миллий рақси бўлмиш — фламенко! нинг яралишига катта хисса қўшади. Ошпазлик йўналишида ҳақиқий инқилобни амалга оширади. Маҳаллий халқ вакиллари оқатланиш рационага мева ва сабзавотлар билан бир қаторда турли доривор ўсимликларни истемол учун тавсия этади. Айниқса қушқўнмас (спаржа) ўсимлиги кенг кўламда қўлланила бошланади. Стол устига безак берилган дастурхон тўшаб, биринчи суяқ таом, иккинчи қуюқ гўштли таомларни дастурхонга тортиш ундан сўнг ширинликларни истемол қилиш қондасини урфга айлантирди. Биллур идишлардан ичимлик ичишни метал қадахлардан кўра анча фойдали ва чиройли деб билди. Бу даврда Андалусия аҳолиси жумладан сарой аҳли ҳам сочлари узун холда ўртадан фарқ очиб икки елка бўйи сочларини осилтириб юрар эдилар. Зирьяб халқга бутунлай ўзгача соч турмагини таклиф этди. Пешонада қошгача кокил қолдирган холда елка, бўйин, ва қошларни оччиқ қолдириб, сочларни қалтартиради. Эрақанинг соқол қўйишига жиддий ўзгартиришлар олиб қиради. Сарой аслзодалар бу даврда атиргул сувиға сочларини ювишар эди. Зирьяб эса соч ювиш учун минерал тузлар ва хушбўй мойлардан фойдаланди. Гулларнинг хидига бойитилган дезодарантни ишлаб чиқади. Эрталаб ва кечқурун ётишдан олдин шахсий гигиенага риоя қилган холда ванна қабул қилишни йўлга қўйди. Бутун Андалусия бўйлаб севиб

фойдаланилган тиш пастасини яратади. Бу тиш пастасининг таркиби нималардан иборат эканлиги тўғрисида тўлиқ маълумот қолмаган бўлсада, тиш пастасининг таъми жуда хушбўй, ёқимли бўлганлиги ҳақида маълумотлар манбаларда келтириб ўтилади. Зирьяб шу билан бирга мода соҳасига ҳам жиддий ўзгартириш киритади. Мавсумга қараб кийинишни жорий этади. У тамондан яратилган нимча, камзуллар пахта, жун ва бахмал матолардан тикилиб қишки шароитга мослаштирилади. Ёз мавсуми учун чит, шойи, соф пахта матоларидан тикилган очиқ рангдаги кийимларни тавсия этади. Қулайлик учун тунги кўйлақларни, кундузги кунлик кийимлар ва албатта базм кийимларига алоҳида эътибор билан ёндашади.

Зирьяб ҳақидаги нодир маълумотларни, элчилар, шоирларнинг эсдаликларида, тарихчи, муסיқашуносларнинг ёзиб қолдирган манбаларида учратиш мумкин. Византия, Франция каби давлатлардан айнан унинг мактабида таҳсил олиш учун ёшларнинг ташриф буюргани, вақт ўтиб бутун Европанинг маданий ҳаётига таъсирдан далолат беради. Зирьяб ижодкорларга хос нозик қалб эгасигина бўлиб қолмай ўта қатъиятли, танқидчи, талабчан эди. Унинг мураккаб характери, исёнкорлиги унга ҳар доим ҳам бахт ва хотиржамлик олиб келмади. Аммо у тиришқоқлиги самараси ўлароқ машхур, бадавлат ва албатта барҳаётлигича қолди. Зирьяб ихтирочи эди, айни дамда ўзи ҳам тажрибалар асрининг ихтироси ҳам.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

[ru.wikipedia.org › wiki › Зирьяб](http://ru.wikipedia.org/wiki/Зирьяб)

<https://hojja-nusreddin.livejournal.com/2901149.html>

Татьяна Сергеева, "Великий музыкант Зирьяб" - LiveJournal

[islamosfera.ru › ziryab-musulmanin-otkryvshij-pervuyu-konservatori...](http://islamosfera.ru/ziryab-musulmanin-otkryvshij-pervuyu-konservatori...)

Зирьяб – мусульманин, открывший первую консерваторию в Европе